

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 18-sentabr, chorshanba № 72 (15710)

Navqiron avlod so'zi

Меҳр кўрган меҳрибон бўлар

Ҳар бир одамда истеъдод бўлади. Унинг гуркираб ёниши ёки сўниши меҳр, эътиборга боғлиқ. Бу табиий жараён. Масалан, гулни олайлик. Агар у ўз вақтида суғорилиб, таги юмшатилиб, қуёш нуридан баҳраманд қилиб турилмаса, ўзидаги бор чиройни намоён этолмай сўлади.

Шукрки, бугун юртимизда биз, ёшлар ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун Президентимиз раҳнамолигида барча шароитлар яратилган. Эришаётган ютуқларимиз билан ота-онамиз, устозларимиз, қолаверса, халқимиз юзини қанчалик ёруғ қилсак, унинг рағбатини, албатта, топяпмиз.

Ҳар йили жонажон Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида ўзимга ўзим сарҳисоб бераман. Ватаним йилдан йилга гуллаб-яшнамоқда, ривожланмоқда, жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Шу буюк ишларга ҳисса қўша олаёпманми? Ватанга нима бераёпман ўзи? Фарзандлик бурчимни адо эта олаёпманми?

Ўқиб-ўрганаёпман. Баъзан соддалик қилиб, кўнгилдаги бор меҳр-муҳаббатимни ошкор этганим бор. Ватаним эса мени суйишини, доимо ҳимоя қилишини, сунар тоғим бўлишини неча бор пинҳона исботлади. Фарзанд онасини қанча севса, она фарзандини ундан ўн баробар кўп севишини англадим. Ўн етти ёшимда Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритганим ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди. Бу юксак мукофотга лойиқ бўлиш ва шунга лойиқ ишлар қилиш шунчаки оғиз тўлдириб айтилаётган гаплар эмас. Ишончли оқламаслик гуноҳдек туюлади.

Кичиклигимда, болалик орзулари оғушида «Келажакда ким бўлмоқчисан?» деган саволга турлича жавоб берардим. Баъзан ўқитувчи ёки шифокор, деб, баъзан рассом ёки дизайнер, деб, кўпинча, шоира бўламан, дердим. Чунки у пайтларда журналистика нималигини тушунмасдим. Лекин болалик орзулари мени алдамади. Ҳозир журналистман, бир вақтнинг ўзида болаликда танлаган турли касбларнинг ҳаммасининг эгасиман. Ўрни келса, шифокор билан «шифокор бўлиб» суҳбатлашаман, керак пайтда ўқитувчи билан ҳамкасб бўлиб гаплашаман, керак пайтда рассом каби гўзалликни қалам билан тасвирлайман, асосийси, кўлимдан келганча самимий ёзишга ҳаракат қиламан.

Ўз касбини севиш ҳам ватанпарварлик, дейишадди устозлар. Касбини севган инсон камол топаркан. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Ватанга самимий меҳр-муҳаббатим ифодаланган мақолаларимнинг «Энг улуг, энг азиз» республика танловида биринчи ўринга лойиқ баҳолашни мени дунёдаги энг бахтиёр инсонлардан бирига айлантирди.

— Меҳр кўрган — меҳрибон бўлар, — дерди отам.

Ватан, она бўлиб меҳр бердинг қизингга! Сени севмай кимни севай, айт?..

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Энг улуг, энг азиз» республика танлови ғолиби



Сардор Муллахонов фотокolleжи

«Kamolot» loyihalari

Дўстликка чорлаган веломарафон

Тошкент шаҳрида «Kamolot»-tur» VI ёшлар миллий веломарафонининг республика босқичи якунланди. Бу йилги мусобақа «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати — экологик тоза транспорт тарафдори» шиори остида бўлиб ўтди.

Бир ярим мингта велосипед ва худди шунча велопойгачи старт чизигида саф тортганда ҳамма ҳайратда қолди. Негаки, мусобақанинг финал босқичига 42 нафар велоҳаваскор йўлланма олган. Йигилганлар сони эса ундан ҳам кўп. Демак, қолган шунча ёш веломарафонда расмий иштирокчи сифатида эмас, ҳавас юзасидан қатнашишга қарор қилибди. Қойил! Ёшлар мусобақаси бўлса, ана шундай — янгилик ва «сюрприз»ларга бой бўлсин-да! Қолаверса, старт чоғида кузатилган юқоридаги ҳолат — тумонот велосипедчининг мусобақага шай бўлиб тургани «Kamolot»-tur» ёшлар миллий веломарафони

ўз мақсадига янаям тўлиқ эришаётганидан далolat беради.

2008 йилдан буён «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спортга жалб этишга қаратилган. Лойиҳани амалга оширишда Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Экоҳаракати яқиндан ҳамкорлик кўрсатмоқда.

Соғлом бўламан, десанг, спорт билан шуғуллан, янаям яхшиси, ҳар куни велосипед миниб юр.

Ҳаракатнинг спорт соҳасидаги дастлабки оммавий лойиҳаларидан бири айнан велоспорт билан боғлиқ экани бежиз эмас. Зеро, велосипед экологик жиҳатдан энг хавфсиз транспорт тури ҳисобланади. Бугунги кунда автотранспорт воситалари атроф-муҳитга жиддий зиён етказётгани маълум. Хусусан, шаҳар атмосфера ҳавоси ифлосланишининг қирқ фоизи автомобиллар ҳиссасига тўғри келмоқда. Демак, дунёда велосипед миниб юривчилар сони кўпайгани сайин бундай салбий тенденция барҳам топиб бораверади. Қолаверса, велосипед ҳайдаш соғлиқ учун ниҳоятда фойдали.

(Давоми 5-бетда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва бир қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида Нукус шаҳар ички ишлар бўлими профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун «Комил ёшлар — биз учун зарур» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Профилактик ҳисобда турган ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интеллектуал қобилиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган семинарда гиёҳвандлик, ОИВ ва ОИТСнинг аянчли оқибатлари ҳақида маълумотлар берилиб, мавзуга оид маърузалар қилинди. Шунингдек, «Етакчи» ёшлар маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва Нукус шаҳар сардорлар кенгаши ҳамкорлигида ёшларнинг билим, салоҳияти, маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширувчи турли интерфаол ўйинлар ўтказилди. «Камолот» ва «Камалак» ҳақида кенгроқ маълумотлар берилди. Иштирокчи ёшлар ҳам семинарда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Бу галги «Одам савдосига қаршимиз» мавзуидаги семинар-тренинг Харакатнинг Чилонзор тумани кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

Унда туман мактабларида фаолият юритаётган «Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилоти етакчилари, сардорлар кенгаши аъзолари, маҳалла ёшлари қатнашди. Семинарда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маркази мутахассислари иштирокчиларга одам савдоси ва унинг оқибатлари бўйича турли интерфаол ўйинлар ташкиллаштирилди. Маълумотлар беришди. Тренинг савол-жавобларга бой бўлди.

Олимпия шон-шухрати музейида ўн ёшга тўлган мактаб ўқувчилари «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Харакатнинг Юнусобод тумани кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда янги «Камалак»чиларга аъзолик кўкрак нишони ва гувоҳномалари топширилди. Болалар ташкилоти ҳақидаги маълумотлар турли интеллектуал ўйинлар орқали етказилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«Камолот» ЁИХ Булунғур тумани кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Унда Булунғур саноат касб-хунар коллежи ўқувчилари Ўзбекистон халқ артисти Мардон Мавлонов билан дилдан суҳбатлашди. Учрашув куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Энг яхши бизнес лойиҳага имтиёзли кредит

Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг республика босқичи ғолиблари учун ўқув оромгоҳи бошланди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда «Агробанк» ОАТБ ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу танловлар Харакат тизимларида 2008 йилдан буён уч босқичда ташкил этилиб келинмоқда. Мазкур танловларда ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин. Ушбу лойиҳанинг самараси ўлароқ, тадбиркорлар фаолиятининг кенгайиши натижасида ўттиз мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Лойиҳалар давомида 168 нафар ёш тадбиркорнинг микрокредит фоизлари Харакат

томонидан тўлаб берилди.

— Лойиҳанинг эътиборга молик жиҳати шундаки, танловларнинг қуйи босқичларида Харакатнинг «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари координатор ва бизнес тренерлари томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув семинарлари ташкил этилди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Фазлиддин Баркашбоев. — Худудларда бизнес лойиҳалари самарали деб топилган 108 нафардан зиёд ёшга ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан 922 миллион сумга яқин тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағларини олишлари учун тавсияномалар берилди.

Бугун ҳудудий босқичда ғолиб деб топилган тўқсон беш нафар ёш танловнинг республика босқичида қатнашмоқда.

Айни кунда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида Харакат тизимларида йигирма бешта «Ёш тадбиркор» консультатив маркази фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар мазкур марказлар томонидан ўтказилган 516 та семинар-тренингда ўттиз уч мингдан ортиқ ёшлар иштирок этган. Ўқув оромгоҳи доирасида ушбу консультатив марказлар координаторлари ва тренерларининг ҳам малакасини ошириш кўзда тутилган.

— Ўқув оромгоҳи давомида бўлажак ёш тадбиркорларга малакали мутахассис-тренерлар, тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари жалб қилинган, — давом этади Фазлиддин Баркашбоев. — Иштирокчилар гуруҳларга бўлинг ҳолда «Бизнесни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш», «Тижорат банкларининг кредит сиёсати», «Бизнес режа ёзиш талаблари», «Маркетинг», «Кичик бизнесда брендинг ва нейминг», «Корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш», «Кичик бизнесни солиққа тортиш муаммолари», «Савдо-саноат палатасининг кичик бизнесга ёрдам бериш имкониятлари», «Кичик бизнесда технологиялар, уларни топиш, олиб келиш ва сотиб олиш шартлари», «Тадбиркорлик фаолиятида касба уюшмасининг роли», «Тадбиркорлик фаолиятида хавфсиз меҳнат шароитини яра-

тиш — меҳнат муҳофазасининг омили» каби мавзуларда амалий машғулотлар, ўқув-семинарлар олиб борилмоқда.

Иштирокчилар семинар-тренинглар давомида ўз бизнес режаларини қайта ишлаб чиқиш, уни ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида ҳимоя қилишади. Ҳимоя натижаларига кўра, ҳакамлар ҳайъати томонидан тўқсон беш нафар иштирокчи орасидан қирқ етти нафари ғолиб деб топилади. Уларга микрокредит маблағлари ажратилиши юзасидан тегишли тавсияномалар берилади. Шунингдек, танловда «Энг яхши экологик тоза маҳсулот», «Хизмат кўрсатиш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Ишлаб чиқариш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Хунармандчилик йўналиши бўйича энг яхши лойиҳа», «Туризм йўналишидаги энг яхши лойиҳа» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади.

Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими жорий йилнинг 21 сентябрь куни «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида бўлиб ўтади. Тантанали маросимда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг асосий ташкилотчилари ва ҳамкорларининг мутасадди раҳбарлари иштирок этади. Тадбир таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланади.

Кеча ушбу ўқув оромгоҳининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Юксак маънавий тарбия — қомиллик асоси

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида юксак маънавий тарбия — инсонни инсон қиладиган асосий мезон мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда қайд этилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга доир масалалар муҳокама этилди. Семинарда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган Қашқадарё вилояти жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси проректори Қ.Қуронбоев ва бошқалар ўтган йигирма икки йиллик

тараққиёт йиллари давомида мустақиллик миллий ўзлгимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида барча ҳамюртларимизнинг қалбидан мустаҳкам жой олганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шиорни ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбирлар тизими асосда ўтказилди. Тадбирлар давомида мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқ экани, юртимизда яшаётган барча фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили экани аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларга ёрқин ва таъсирчан мисоллар ёрдамида очиб берилди.

Давлатимиз раҳбари «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт, унинг ўткир талаблари маънавият соҳасида янги-янги вазифаларни олдимизга қўяётганини таъкидлаб, бутун

дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барча зиёлилар, айниқса, маънавият тарғиботчилари зиммасига улкан ва масъулиятли вазифалар юклашига эътибор қаратди. Айни пайтда ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга, турли йўллар билан олиб борилаётган ғоявий хуружларга нисбатан ҳамшиша огоҳ ва хушёр бўлиш давр талабига айланди.

Семинарда Президентимизнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи мазмун-моҳиятини тарғиб этишда маънавият тарғиботчиларининг вазифалари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош мақсади, турли таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг долзарб масалалари, мустақиллик йилларида ёшлар учун яратилган имкониятлар, Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга оид маърузалар тингланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Шоҳистанинг нафосатга муҳаббати

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Барчамиз севиб, қайта-қайта томоша қиладиган «Келинлар кўзғолони» фильмидаги Нигора ёдингиздами? Фармонбининг еттинчи, кенжа келини — хушбичим ва ҳозиржавоб Нигоранинг ҳаракатлари ҳам чаққон, ўзи қушдек енгил, эринчоқликдан йироқ, сўзга чечан. Нега унда шунча хислатлар мужассам? Чунки у спорт билан «дугона».

Ҳаётда ҳам шундай: спортсевар, абжир қизлар Нигора овсинлари орасида ажралиб турганидай бошқалардан гўзал хислатлари билан алоҳидалик касб этиб туради.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соvrиндори, Наманган шаҳридаги транспорт ва ахборот технологиялари коллежининг электроника йўналиши 3-курс ўқувчиси Шоҳиста Рашидова ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтса бўлади.

Шоҳиста зиёлилар хонадонидан туғилиб, вояга етди, уч опаси ҳам олий маълумотли мутахассис. У болалигидан спортнинг нафис тури — бадий гимнастикага меҳр қўйди, ота-онасининг розилиги, кўмаги билан шаҳардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига келди. Бу ерда қизалоқ мураббий Ирина Ким ёрдамида бадий гимнастикадан бошланғич сабоқларни ола бошлади. Кейинчалик шаҳардаги 1-ихтисослашган мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинди.

Шоҳиста мактабда ҳам, спорт машғулотларида ҳам берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришга интиди, тез орада устозлари ва тенгдошларининг тилига тушди.

Гимнастикани қиз йил сайин маҳоратини ошириб борди, нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда ҳам фаол қатнашиб, муносиб ўринларни олди. Унинг ҳозиргача қирқдан ортиқ медали бор.

— 2008 йилда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль олганим ҳеч ёдимдан



чиқмайди, — дейди Шоҳиста. — Ўшанда қалбим чексиз ғурурга тўлди, «Мен эпладим», дея ўз-ўзимдан қувониб, ҳаяжонга тушдим. Ота-онам, дугоналарим ва устозларим хузурига ёруғ юз, арзигулик ғалаба билан кириб борганимда, олқишларга кўмиб юборишди. Бироқ бу мақтовлар мен учун бундан-да яхшироқ натижаларга эришишимга ундов эканини ич-ичимдан ҳис этиб турардим.

2012 йилда ҳам ёш гимнастикачи ҳаётида яна унутилмас воқеалар рўй берди. У «2012 йилнинг энг яхши спортчиси» деган шарафли номга ва «Спорт устаси» унвонига сазовор бўлди. Шоҳистанинг бадий гимнастиканинг ҳалқа, тўп, лента ва арғимчоқ ёрдамида ижро этадиган жозибали, нафис рақслари ҳар қандай томошабинни ўзига мафтун этади.

— Спорт оламига ҳар бир йигит-қиз меҳр, ўзига ишонч тўғуси билан кириши керак, деб ўйлайман, — дейди қаҳрамонимиз. — У изланувчан, камтарин одамларнигина ўз бағрида сийлаб туради. Шухрат ортидан қувиш ёки эришган ютуқларидан мағрурланиб кетиш чин спортчига асло ярашмайди.

Шоҳиста Рашидова Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соvrиндори эканидан янада руҳланиб, ўқишда ва спортда тиришқоқлик, талабчанлик билан янгидан-янги марраларга эришишда давом этмоқда.

— XXI аср — ахборот асри, — дейди суҳбатимиз якунида у. — Ким қандай касбда ишлаганим, аввало, компьютерни мукамал билиши керак. Ахборот технологиялари коллежида ўқиб, ўз мутахассислигимнинг сир-асрорларини устозларим пухта ўргатишаётганидан қувонаман. Зеро, замонавий спортчи ҳамиша давр талабига мос, пешқадамлар сафида бўлмоғи керак.

Истиқлол инъом этган имкониятлардан унумли фойдаланаётган қобилиятли, фидойи йигит-қизларимиз бор экан, юртнинг юки ерда қолмайди, эртанимиз бугунгидан-да нурафшон, турмушимиз янада фаровон, обод бўлаверади, халқимизнинг пок ниятлари рўёбга чиқаверади.

Дилбар АСКАРОВА,
«Turkiston» мухбири.

Нодира Мамадалиева олган сурат

Hududlardan mujdalar

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ҳар йили ўн ёшга тўлган болалар «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилинади.

Янги ўқув йили бошланиши билан Ғиждувон туманида ҳам «Камалак» аъзосиман» шиори остида 150 нафар иқтидорли, намунали хулқи билан аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчи болалар ташкилоти аъзолигига тантанали равишда қабул қилинди.

Тадбирда «Камалак»чиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари, «Камалак» болалар ташкилоти рамзи туширилган кўкрак нишони топширилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят «Ёшлар маркази»да мактаб ўқувчиларини «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилиш тадбири бўлиб ўтди.

Унда ўн ёшга тўлган уч юз йигирма беш нафар ўқувчи тантанали равишда «Камалак» болалар ташкилотига қабул қилиниб, янги аъзолик кўкрак нишонини тақди. Бундай тадбирлар вилоятдаги барча умумтаълим мактабларида бўлиб ўтмоқда.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Вилоят ахборот-ресурс марказида «Етакчи» ёшлар маркази томонидан «Камолот» ЁИХ туман кенгашларининг етакчи мутахассислари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинарда иш жараёнида содир бўладиган турли муносабатлар ва ишчанлик кайфиятини кўтаришни ўрганишда психологик маслаҳатлар, етакчи мутахассиснинг асосий вазифалари, бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш жараёнларида олиб бориладиган ишлар бўйича давра суҳбати ўтказилди. Шу билан бирга, ёшларни Ҳаракат атрофида бирлаштириш, ташаббускорликларини ошириш усуллари бўйича маълумотлар берилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши «Экология ва ёшлар» мавзусида давра суҳбатини ўтказди.

Унда Ҳаракат фаоллари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қатнашди. Суҳбатда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши бўлим мудир Ш.Ҳамроқулов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати худудий бўлини раҳбари Э.Тоғаев ёшларга дунёдаги экологик вазият, атроф-муҳитга таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақида маълумот берди. Тадбир сўнггида «Экология — сиз ва биз» видеоролиги намойиш этилди.

Бир ёни экин майдон, бир ёни боғу бўстон

Yosh fermerlar



Тенгдошимиз Сарвиноз Шокирова 2012 йилда Гулистон туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежини тугатиб, «Сарвиноз Собиржоновна файзи» фермер хўжалигини ташкил этган эди. Ҳозир эллик уч гектар ер майдонига эга.

— Фермерлик ишларимда отам билан укам яқин ёрдамчиларим, — дейди ёш фермер. — Бу йил 27 гектар ер майдонига галла етиштириб,

давлат режасини 114 фоизга бажардик. Ўн етти гектарда «Ан-Боёвут-12» навли гўза парваришладик. Саратонда гўзани сувга қондирган, қатор

ораларини ўз вақтида юмшатган, чеканкани сифатли бажарган, ўсимлик зараркунандаларига қарши кураша олган деҳқонгина мўлжалдаги ҳосилни олиши мумкин. Бу йил ҳосилни режадан ортиғи билан олиш ниятидамыз.

Сарвиноз ёш бўлишига қарамай, мутахассислар маслаҳатига, устоз фермерлар тажрибасига таяниб, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарди ва ҳудудда илғор фермерлар қаторидан ўрин эгаллади. Жорий йил «Сарвиноз Собиржоновна файзи» фермер хўжалиги аъзолари энг шимариб, астойдил меҳнат қилишди. Улар гўза гуллаш ва кўсақлаш даврида экинни тунда суғориш, чеканкани икки-уч марта табақалантирган ҳолда амалга оширишга алоҳида масъулият билан ёндашди. Ёш фермер боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Айни кунда хўжаликнинг тўрт гектар боғида помидор, бодринг, кўкат, ўрик,

олма, гилос, шафтоли, ёнғоқ, жийда, беҳи етиштирилмоқда.

— Бунга кўшимча тарзда яна уч гектар ташландиқ ер майдонига интенсив боғ яратмоқчиман, — давом этади Сарвиноз Шокирова. — Бундан ташқари, асаларичилик ва чорвачиликни ҳам йўлга қўйиб, ички бозорларимизни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдирмоқчимиз. Ҳозир ўн бир нафар ишчи-ҳодимимиз бор. Уларнинг етти нафари коллеж битирувчиларидир.

Ёш фермер 2012 йил Сирдарё вилоятида «Йилнинг энг намунали ёш фермери» деб топилди. Бу ҳам ёш фермернинг самарали меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Сарвиноз Шокирова машаққатли вазифаларни уддалаб келмоқда. Файратли, ташаббускор тенгдошимиз келгусида катта марраларга эришиб, мамлакатимиз раўнақи-га катта ҳисса қўшса, ажаб эмас.

Элёр Жўраев

Очиқ ва ошқора фаолият

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг бориши ва галдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш учун масъул вилоят ишчи гуруҳи аъзолари, вилоятдаги давлат бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари иштирок этди.

Давра суҳбати аввалида сўзга чиққан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ахборот

хизмати раҳбари Баҳодир Кўбаев Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойиши ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида ахборот берди.

Ўтган давр мобайнида ташкилот томонидан унинг фаолияти очиқлигини таъминлаш, аҳолига керакли ахборотни олиши учун шароитлар яратиш бўйича тегишли чоралар кўрилган. Жумладан, синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳасининг 12-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ташкилотнинг иш тартиби, фуқароларни қабул қилиш тартиби, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ҳақида маълумот берувчи ахборот стендлари ташкил этилди.

— Қонун лойиҳасининг 9-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш усуллари белгиланган, — деди Б.Кўбаев. — Бу, асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолиятига оид ахборотларни фуқароларга тақдим этиш билан боғлиқ жараёни ўз ичига олади. Мазкур тамойилдан келиб чиқиб, фаолиятимизга доир ахборот жамғарманнинг расмий веб-сайти — sambo-lalarsporti.uz мунтазам жойлаштирилмоқда, шунингдек, ахборот-кутубхона, архив фондлари орқали ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида оғзаки ёки ёзма шаклларда тақдим этилмоқда.

Давра суҳбати давомида иштирокчиларга ҳуқуқий экспериментга доир қонун лойиҳаси ижросининг дастлабки мониторингини олиб бориш орқали сифатини ошириш, юзага келувчи бўшлиқ-

ларни бартараф этиш, мазкур жараёнда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш каби бир қатор масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, ҳуқуқий экспериментни ўтказувчи вилоят ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ҳуқуқий экспериментни белгиланган талаб даражасида ташкил этиш юзасидан тарғибот ишларини кучайтириш борасида зарур тавсиялар берилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар қонун лойиҳаси талабларини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ёқубжон МАРҚАЕВ,
Самарқанд вилояти

Фаровон юрт тимсоллари

Obod manzillar

Shukrona

Бундан бир неча йил муқаддам Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Янги авлод қишлоғида яшовчи болалар мактабга бориш учун нақ олти километр масофани босиб ўтар, энг ёмони — темир йўлни кесиб ўтишлари керак эди. Бу, айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида ота-оналарни хавотирга солиб, қўли ишга бормаган муштипарлар фарзандларининг мактабдан эсон-омон келишини илҳақ бўлиб кутарди...



лаш тизимида амалга оширилган ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Аҳоли саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасидаги ишлар салмоғи бугун вилоятликларни мамнун этмоқда.

Вилоят онкология диспансери биноси бундан ярим аср илгари қурилган, даволаниш хоналари захира, таъмирталаб бўлиб қолганди. Бу эса, табиийки, беморлар ва шифокорлар учун анчайин ноқулайликлар туғдирарди...

Истиклол байрами арафасида диспансер шифокорларига ўз қатновга мўлжалланган поликлиника қурилиши фойдаланишга топширилиши воҳадаги соҳа ходимларининг ишга муносабатини янги босқичга кўтарди. Мазкур поликлиника уч қаватдан иборат бўлиб, беморлар кўриқдан ўтиши, ётиб даволаниши учун барча шароитларга эга. Даволаш ва муолажа хоналари, ошхона зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Туйга тўёна билан бориш яхши-да, — дейди «Истиклол-бино» хусусий корхонаси раҳбари Эркин Хуррамов. — Мустақиллик байрамимиз арафасида

ушбу поликлиникани фойдаланишга топширганимиздан барчамиз хурсандимиз. Келгусида ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида бор кучимизни аямаймиз.

Бу — соғлиқни сақлаш тизимида вилоят бўйича амалга оширилган ягона бунёдкорлик эмас. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида 405 ўринга мўлжалланган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази фойдаланишга топширилди. Марказда 16 та клиник ва 7 та параклиник бўлим мавжуд.

Бунёдкорлик обод манзилларда бўлади. Унинг буй кўрсатиши юртнинг тинчлиги, халқнинг меҳнаткашлиги, мамлакат равнақи билан чамбарчас боғлиқдир. Қолаверса, Ватанимизда қад ростлаётган ҳар бир бино тимсолида юртдошларимизнинг эртанги кунга, ўсаётган авлод келажигага комил ишончини кўраимиз. Бу ишонч бизни янги марралар сари чорлайверади.

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Тинчликнинг қадр

Ҳар тонг ишга шаҳримизнинг «Университет» хиёбони ва Алишер Навоий кўчасидан ўтиб бораман. Юрагимда ажиб бир ҳис уйғонади. Йўлимда кўплаб ҳамшаҳарларимиз учрайди. Ўзига ярашиб турган ўқувчи либосида, портфелини тўлдириб, жонажон мактаби томон ошиқётган ука-сингилларимга, қўлида даста китоб, нима-лар ҳақидадир баҳслашиб кетаётган талабаларга, нуроний боболарининг қўлидан ушлаб, боғчаси томон ошиқётган ширинтой болаларга эътибор билан қарайман: ҳар бирининг юзида бир хил кайфият, бу бугунги ҳаётимизга, яшаётган кунимизга шукроналикдир.

Ҳар сафар Президентимизнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» номли рисоласини ўқиганимда, ундаги: «Илгари урушни фақат уруш билан енгиш мумкин, фақат куч билан афгон муаммосини ҳал этамиз, деб керилиб юрганлар ҳам бугун бу йўл билан урушга барҳам бериб бўлмас экан, деб айтишга маж-

бур бўлмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ. Бизга нима керак? Тинчлик керак! Яна бир бор тинчлик ва қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатлик керак», деган гапларининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаб етишга, уни ёшлар орасида кенг тарғиб этишга интиламан. Бу сўзлар ҳар биримизни тинчликнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайди. Бугун Ўзбекистон ёшлари олдида жуда катта масъулиятли вазифа ва бурч турибди. У ҳам бўлса, бугунги тинч ва осойишта кунимизнинг қадрига етиш, ажодларимизга муносиб ворис бўлиш, тарбиямизга ва менталитетимизга ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик, Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшишдир. Бу муқаддас бурчни биз, ёшлар ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

Рустам ҚОБИЛОВ,
«Камолот» ЁИХ Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

— Давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги билан бу масала ўз ечимини топди, — дейди Янги авлод қишлоғида истиқомат қилувчи 73 ёшли Турдали бобо Эшмуродов. — Қишлоғимизда янги мактаб биносининг фойдаланишга топширилгани ҳаммани қувонтирди. Биз, бир гуруҳ кексалар мактабга бориб, шароитлари билан танишдик. Ундаги жиҳозлар имкониятларни кўрганимда кўнглимдан кечган ҳисларни баён қилолмайман. Минг шукр, биз ўқимаган шундай маҳобатли мактабларда, шинам синфхоналарда набираларимиз таҳсил олиб, замонавий илмларни пухта эгаллапти. Бу, албатта, юртимиз тинч, халқимизнинг ҳаёти фаровон, ёшларга эътибор юксаклигидан далолатдир.

Вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги 42-мактаб ўқувчи-ёшлари ҳам мактабга бориш учун узоқ йўлни босиб ўтишга, баъзан қишнинг изғиринли кунларида кичик синф ўқувчилари дарсдан қолишга мажбур бўларди. Бу йил улар «Мустақиллик дарси»ни Дониёр Бердиев бошлиқ «Мукамал-инвесттаъмирлаш» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган, 270 ўринга

мўлжалланган янги мактаб биносида ўтишди. Энди улар олисдаги эмас, шундоққина қишлоқларидаги барча қулайликларга эга мактабда билим олишади.

Ҳа, бугун вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорликлар кўламини, унинг халқимиз, хусусан, ёшлар ҳаётидаги улкан аҳамиятини бир сўз билан ифодалаш мушкул. Зеро, бу йил Истиклол байрами арафасида вилоят халқ таълими тизимига қарашли ўттиз учта мактаб фойдаланишга топширилгани сурхондарёлик минглаб ўқувчи-ёшлар қалбига олам-олам сурур бағишлади.

— Бугун вилоятда олиб борилаётган улкан ободонлаштириш ишлари ва бунёдкорликлар замирида фидойи халқимизнинг заҳматли меҳнати, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси мужассамдир, — дейди Сурхондарё вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси бош муҳандиси Мирсалом Менглиев. — Истиклол йилларида Сурхондарёда қад кўтарган биноларни санаб адоғига етиш мушкул. Уларнинг барчаси юртимиз осойишталиги, ободлигининг ёрқин тимсолидир.

Воҳада соғлиқни сақ-



Дўстликка чорлаган Веломарафон

(Давоми, боши 1-бетда)

Охирги йилларда ёшлар веломарафонига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Рақамларга эътибор берайлик. Лойихага старт берилган дастлабки йили унга беш юз нафар ҳаваскор спортчи жалб этилган бўлса, жорий йилда мусобақанинг ҳудудий босқичларида беш минг нафар ёш қатнашди. Яъни ўтган йиллар мобайнида веломарафончилар сони нақ ўн бараварга кўпайган.

Ёшлар веломарафони барча ёшлар учун эканлиги ҳам эътиборлидир. Унда тўққиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган велоҳаваскорлар иштирок этиши мумкин. Иштирокчилар учта: 9-14, 15-17 ҳамда 18-30 ёш тоифаси бўйича ўзаро беллашади. Таъкидлаш керак, бу сафар мусобақада ҳаммадан ҳам кўп болалар ва ўсмирлар қатнашди. Уларнинг сони рекорд натижа — уч минг нафарга етган.

«Kamolot»-tur ёшлар миллий веломарафонига йил сайин қизларнинг ҳам фаоллиги кўзга ташланмоқда. Масалан, жорий йилги марафонда ўтган йилгига қараганда икки баравар кўп велопойгачи қиз қатнашди. Иштирокчилар орасида Индонезия ва Малайзиянинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам бор. Ёшлар қатори бундай мартабали шахсларнинг веломарафонда иштирок этгани мусобақанинг нуфузи ҳақида тугал хулоса чиқаришга имкон беради.

Веломарафоннинг финал босқичи мurosасиз ўтди. Анъанага кўра, мусобақага Тошкент шаҳрининг Бек-жойлаш-тидан Темир туманида ган «Рохат» пост-старт берилди. Ёш велопойгачилар пойтахтимиздаги «Ёшлик — «Камолот» спорт мажмуасига ч а



бўлган қарийб йигирма километр масофани босиб ўтишлари керак эди. Оддий йўловчига олис бўлиб кўринган ушбу масофа ҳақиқий спортсевар учун чўт эмас экан. Мана, масалан, маррага ҳаммадан биринчи бўлиб етиб келган Тошкент вилояти вакили Отамурод Уринов шунча йўл босиб ҳам биз билан ҳеч нарса кўрмагандек бемалол сухбатлашди.

— Бир ярим йилдан буён велоспорт билан шуғулланаман, — дейди 14 ёшли Отамурод. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қошида фаолият юритувчи «Queen Sport» жамоаси аъзосиман. Мазкур жамоа қандли диабет касаллигининг

дириб финиш чизигини босган биринчи қиз сурхондарёлик Мария Белова бўлди. Мария 16 ёшда. У Термиз шаҳридаги олимпия захиралари коллежиди ўқийди.

— Сузиш ва триатлон билан профессионал шуғулланаман, — дейди тенгдошимиз. — Велоспорт эса қизиқишларим доирасига киради. «Kamolot»-tur ёшлар миллий веломарафонига ўчинчи бор қатнашяпман. Бу йил ҳудудий босқичдан ўтиш анча қийин бўлди. Кучли рақиблар билан беллашдим. Қизлар орасида финишга биринчи бўлиб етиб келганимдан мамнунман. Аслида, бу ерда қандай натижага эришганинг муҳим эмас. Муҳими, иштирок этиш. Мусобақанинг ўзи кишига завқ бағишлайди.

Бу йилги веломарафонда ҳар қайси ёш тоифаси бўйича учтадан голиб ўринлардан ташқари, махсус номинациялар ҳам таъсис этилди. Хусусан, мусобақа якунида энг иродали, энг ёш ва энг ёш қиз велопойгачилар, энг моҳир техник велопойгачи, фахрий велопойгачи ҳамда велопойгачилар оиласи аниқланди. «Энг ёш велопойгачи қиз» номинациясида голиб бўлган пойтахтимиздаги 161-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нафосат Қозиева ўз таасуротларини шундай бўлишди:

— Ешим ўн бешда. Велосипед ҳайдашни ўрганганимга уч йил бўлди. Шу пайтгача дарсдан кейин бир-икки соат велосипедда кўча-кўйини айланардим. Аммо мусобақада қатнашиш мутлақо бошқа нарса экан. Бу шунчалик мароқли жараёнки, уни сўз билан ифодалаш қийин. Мингдан зиёд велопойгачи орасидан ўзиб кетиш учун сиздан эпчиллик ҳам, ўзига яраша маҳорат ҳам, керакли жойда ақлни ишлатиб, муайян техника қўллаш ҳам талаб қилинади. Нима бўлгандаям, мусобақада қатнашиб хато қилмабман. Бутун республикадан дўстлар орттирдим. Улар билан келаси йили навбатдаги веломарафонда учрашишга келишиб олдик.

«Kamolot»-tur VI ёшлар миллий веломарафони голибларни тақдирлаш маросими «Ёшлик — «Камолот» спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Голибларга «Камолот» ЁИХ ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир ёш эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири.
Сардор Муллажонов олган суратлар

«Kamolot»-tur VI ёшлар миллий веломарафони натижаларига кўра, иштирокчилар ўртасида совринли ўринлар қуйидагича тақсимланди:

9-14 ёш тоифасида:

1-ўрин — Отамурод Уринов, Тошкент вилояти.

2-ўрин — Денис Дек, Наманган вилояти.

3-ўрин — Валерий Дипин, Тошкент шаҳри.

15-17 ёш тоифасида:

1-ўрин — Владислав Федоров, Тошкент шаҳри.

2-ўрин — Шомансур Абдуманнопов, Тошкент вилояти.

3-ўрин — Шўхрат Ҳожиёв, Наманган вилояти.

18-30 ёш тоифасида:

1-ўрин — Алексей Смирнов, Тошкент шаҳри.

2-ўрин — Пане Давлатбоев, Қорақалпоғистон Республикаси.

3-ўрин — Мансур Йўлдошев, Андижон вилояти.

I даражаси билан оғриган ёшлар учун махсус ташкил этилган юртимиз ва дунёдаги ягона ўсмирлар жамоасидир. Ўтган йили «Kamolot»-tur ёшлар миллий веломарафонига биринчи мартаба қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритгандим. Бу йил ўз устимда янада кўпроқ ишладим. Ҳаракатларим зое кетмади. Мана, биринчи ўрин соҳиби бўлиб турибман. Мен «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг спорт соҳасидаги лойиҳаларини мунтазам кузатиб бораман. Ёшлар веломарафони улар орасида алоҳида ўринга эга. Бу йил марафон олтинчи мартабаба ўтказилди. Ҳар сафар мусобақага янги иштирокчилар келади, улар билан танишиб, дўстлашаман. Белгиланган масофани босиб келгунча йўл бўйлаб бизни кўплаб тенгдошларимиз — ўқувчи ёшлар кўлларида байроқлар билан қарши олишди. Ажаб эмаски, бугун бу ёшларнинг қалбида велоспортга ҳавас уйғониб, келаси йили улар ҳам веломарафонда иштирок этса. Ҳақиқий дўстона мусобақа мана шундай дилторта бўлади.

Неча-неча йигитларни ортда қол-

Ёшлар веломарафонининг финал босқичида фаол иштирок этган фарғоналик Илёс Шайдулин «Энг ёш пойгачи», Тошкент шаҳри вакиллари — Виктор Клеменков «Фахрий пойгачи», Хуршида Абдужабборов ва Ҳожиакбар Қодиров «Энг маҳоратли техник велопойгачи», Назира Мелибоева «Галаба фидойиси» номинациясида голиб деб топилди.



Остонангиз озода бўлсин

Халқимизда «Сенинг кимлигингни остонанг айтиб туради», деган нақл бор. Ҳеч эътибор берганмисиз, ўз хонадонимиз, ҳовлимизни тозалаб, саранжом-саришта қилганда, кўнги равшан тортади. Аммо кўча-кўйда қалашиб ётган чиқиндилар атроф-муҳит кўркини бузиб турса, таъбимиз беихтиёр хира тортади. Шунга ўхшаш ҳолатлар инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Бухоро вилоятида атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш мақсадида қишлоқ ва шаҳарларнинг санитар ҳолатини яхшилаш борасида мунтазам назорат ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли саломатлигига зиён етказмайдиган масофада чиқиндихоналар, шунингдек, уларни чиқиндилар майдонига ташишга мўлжалланган махсус автотранспортлар фаолият кўрсатмоқда. Шунга қарамай, атроф-муҳитни ифлослантириш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

— Кейинги пайтларда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини дуч келган жойга ташлаб кетиш ҳолатларига тез-тез дуч келямиз. Бундай манзарага, айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида гувоҳ бўлиш мумкин, — дейди Бухоро шаҳар табиатни муҳофаза

қилиш инспекцияси бош мутахассиси М.Шаҳриев. — Фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг тозаллигини сақлашга кўпроқ эътибор беришса, юртимиз ободлигига муносиб ҳиссаларини қўшган бўларди.

Бу масалада аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ахлатхоналардан ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ўз вақтида олиб чиқилиши ҳам муҳимдир. Ваҳоланки, айни пайтда бу борада муайян камчиликлар мавжуд. Хусусан, чиқинди ташувчи автотранспорт воситалари етарли эмас, борлари ҳам таъмирталаб.

— «Махсусавтоҳўжалик» МЧЖ ҳисобида турувчи чиқиндилар майдони вилоятда энг йирик ҳисобланади. У Бу-



хоро тумани ҳудудида жойлашган. Ҳар йили мазкур майдонга вилоят марказида тўпланган ўртача тўрт тонна тиббий чиқиндилар олиб келинади. Бу ерда чиқиндилар зарарсизлантирилиб, кўмилади. Утказилган текширувлар натижасида чиқиндиларни ёқиб юбориш учун мўлжалланган махсус ўчоқлар талабга жавоб бермаслиги аниқланди, — дейди Бухоро шаҳар прокурорининг катта

ёрдамчиси, аслия катта маслаҳатчиси Т.Қобилов.

Устига-устак ушбу майдондан фойдаланиш муддати ҳам тугаган. Янгисини барпо этиш масаласи эса ҳамон узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Бундай шароитда, табиийки, маиший ва саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш масаласи долзарб бўлиб қолаверади.

Атроф-муҳит ифлослани-

шининг олдини олишга ҳар биримиз виждонан ёндашсак, ўз уйимиз, кўчамиз, маҳалламиз ободлигию озодлиги учун курашсак, турмушимиз янада гўзаллашади. Зеро, азалдан ўзбек хонадонининг остонаси озодликдан бошланган. Озодлик бор жойда қут-барока, барқарорлик, соғлом турмуш қарор топади.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Kasb-hunar kollejarida



Назария ва амалиёт уйғунлиги

Бўз қурилиш-коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни кунда таълим масканида 1030 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Олти йўналишда эллик нафарга яқин устоз-педагог касб-ҳунар сирларини ўргатапти.

Коллежда илғор педагогик технологияларни таълимга кенг жорий этишга катта эътибор қаратилган. Бу борада информатика ўқитувчиси Акбарали Тўхтасинов, тикувчилик бўйича Феруза Камолова, инглиз тили бўйича Наргиза Жўраева ва кимёдан Элнура Ҳайдарова каби интилувчан ўқитувчиларнинг олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқ.

— Ўқитувчиларимизнинг кўргазмалли қуроллардан кенг фойдаланишларига алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди коллеж директори-

нинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Насибхон Собирова. — Шу билан бирга, дарс жараёнида назарий ва амалий машғулотлар уйғунлаштирилаётгани таълим самарадорлиги ҳамда ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишлари ошишига асос бўляпти.

Янги ўқув йилида ҳам таълим самарадорлигини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича етук мутахассис бўлиб етишишларига эришиш йўлида педагогик жамоа ўзининг бор куч-ғайратини сафарбар этган.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Суратда: ишлаб чиқариш таълими устаси Малика Турғунова ўқувчиларга «Оддий кашта тикиш» мавзусини тушунтиряпти.

Mutaxassis ogoh etadi

Лоқайдлик панд бермасин, десангиз...



Ёнғин содир бўлишига баъзида ён-атрофимиздаги инсонларнинг лоқайдлиги, совуққонлиги ҳам сабаб бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Нафақат ёнғинларни бартараф этиш, балки унинг олдини олишга доир профилактик ишларни ташкил этиш ҳам эндиликда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаларидан бирига айланиб қолмоқда. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида ана шу мавзуда тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш билан бирга, маҳаллаларда, ўқув юртларида давра суҳбатлари, учрашувлар ҳам ташкил этмоқда.

Ёнғинларнинг нохуш оқибатлари ҳақида гапирилганда, биринчи галда, фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарар ҳақида эсламаслик мумкин эмас. Бундай кўнгилсизликларга учрамаслик учун доимо ҳушёр ва зийрак бўлиш ёнғин хавфсизлигини таъминловчи мезонлардан биридир. Бундан ташқари, юртдошларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш орқали ўзлари ва фарзандларининг ҳаётларини асраган, уларнинг хавфсизлигини таъминлаган бўлишади.

Очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш қутилмаган ёнғиннинг олдини олади. Хонадонларда электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда ишлатиш лозим. Носоз, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик керак. Жамоат жойларида, белгиланмаган жойларда чекиш ҳам қутилмаган ёнғинларга сабаб бўлишини унутмаслик зиён қилмайди. Ана шу қоидаларга риоя қилсак, биз уйимизни, иш ва таълим масканларини, яқинларимизнинг ҳаётини ёнғиндан асраб қолган бўламиз.

Бобомурод СОБИРОВ,
Тошкент шаҳридаги 12-ҲЁХО 3-алоҳида пост катта инспектори, кичик сержант

Замонавий синфхоналар, гавжум тўғараклар

Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 2-мактабда қирқ нафар фидойи ўқитувчи олти юз нафар ўқувчига таълим берапти.

Мактабдаги барча синфхоналар бугунги кун талаби даражасида жиҳозланган. Спортзал, ўқувчи қизларнинг бадий гимнастика билан шуғулланиши учун махсус хона доимо гавжум. Компьютер синфи, чет тилини ўрганиш бўйича махсус жиҳозланган хоналар — булар мактабда ёш авлоднинг пухта билим эгаллаши учун яратилган шароитлардан бир шингил, холос. Айти пайтда 26 та фан ва 5 та спорт тўғараги ҳам бор ва улар ўқувчиларнинг доимий келар манзилига айланган.



Мактабда чет тилини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Лобар Тўйқулова, Нилуфар Суёнова, Ирода Мўминова, Мадина Ортиқбоева сингари инглиз тили ўқитувчиларининг ёшларга пухта билим бериши учун барча керакли жиҳозлар билан таъминланган иккита синф хонаси шай. Ўқувчи ўқитувчиларнинг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга мактаб ўқувчиларининг ҳар йили анъанавий ўтказиладиган «Хорижий тиллар билимдони» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, вилоят ҳокими стипендиясига сазовор бўлиб келаётганида кўринаяпти.

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида математика, тарих, инглиз тили, физика фанларидан, «Билимлар беллашуви»да эса она тили, инглиз тили, физика, математика ва биология фанларидан

юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичида 8-синф ўқувчиси Маҳлиё Йўлдошева совринли ўринлардан бирини қўлга киритди.

Албатта, бу борада устоз ўқитувчиларнинг хизмати катта. Мактабда «Устоз-шогирд» анъанасининг йўлга қўйилгани яхши самара берапти. Ҳикматой Аҳмедова, Роза Хоннозова, Муҳаббат Сатторова, Савринисо Жонзоқова, Наргиза Орипова, Гулором Ақромова, Саодат Болтабоева сингари илғор ўқитувчилар доимо ёш ўқитувчиларга ғамхўр ва маслаҳатгўй.

Ўтган ўқув йилида 61 нафар битирувчи мактабни тамомлади ва айти кунларда уларнинг барчаси академик лицей ва касбхона коллежларида тахсилни давом эттиряпти. Оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Ота-оналар,

қолаверса, Ширин шаҳрида яшаб, меҳнат қилаётган энергетиклар мактабнинг яқин ҳомийлари ҳисобланади. «Сирдарё» ИЭС директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Мирзаахмат Шоимов ҳам шу мактабнинг собиқ ўқувчиси. Мактаб жамоаси бундай инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда шаҳар ҳокими Шукур Тожибоев қатнашди. Биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари топширилди. Барча синфларда «Мустақиллик дарслари» кўтаринки руҳда ўтди.

Мактабда спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Буни мактаб ўқувчиларининг спортда қўлга киритган ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактабнинг 9-синф

ўқувчиси Давлат Сайдалиев Самарқанд шаҳрида ўтказилган байдарка ва каноеда эшак эшиш бўйича республика мусобақасида ғолиб чиққан бўлса, кураш бўйича Суннат Эгамқулов ҳам мамлакат чемпионатида қатнашиб, совриндор бўлди. Худди шунингдек, бокс бўйича Чирчиқ шаҳрида ўтказилган турнирда иштирок этган Шаҳзод Иззатуллаев фахрли ўринлардан бирини эгаллади.

Мактабда спортга бўлган эътибор жуда катта. Футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шахмат, шашка, тўғараклари доимо гавжум. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Дилшод Шуқуров мураббийлигида мактаб ўқувчилари шаҳар ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келаётганлиги шундан далолатдир.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Tengdoshimiz

Ширин лаҳзаларга тўла дафтар

(Гап спортчилар ҳақида)

Умр дафтариди ўн икки йил олдинги Умида бошқача — иссиққа ҳам, совуққа ҳам тезда касал бўладиган нимжонгина қиз эди. Ўшанда ота-онаси уни Сергелидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига обориб яхши қилишган экан. Негаки, ҳозир у соғлом, жисмонан тетик, сарвқомат, асосийси, табиат ўзгаришларига анча чидамли.

— Қизим сузавериб балиққа айланганга ўхшайди, — дейди онаси Гулнора Расулова кулиб. — Чаққонгина. Қомати ҳам тик. Кўз тегмасин. Спорт билан дўстлашишда гап кўп экан...

Ҳа, Умидани ўз вақтида спортга тўғри йўналтирганидан ота-онаси ҳам мамнун. Буни унинг бугунги ютуқлари ҳам исботлаяпти. Ҳатто тенгдошларининг ҳавасини ҳам келтиряпти. Умида 6-синфда «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман босқичида эллик метрга брасс усулида сузиш бўйича учинчи, 8-синфда эса Тошкентда бўлиб ўтган «Стайер» мусобақасида (ўрта масофадан узун масофагача) олтин медални қўлга киритганди. Ушандаёқ унинг ғалаба дафтарига илк зафарлар, бахтли онлар муҳрланди. Бу спортчининг кучига куч қўшди.

— Яхшиям спортни танлабман, — дейди Умида Расулова. — Бўлмаса шундай натижаларга эришармидим...

Бу гап тенгдошимизнинг бугунига шукрона. Ҳар куни ҳаётида улкан тантана. Дафтар тўла шодиёна. Масалан, Умида 2008 йили Нукусда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида сузиш бўйича биринчи ўринни олиб, спорт усталигига номзод бўлди. 2011 йили Тошкентдаги «Стайер» беллашувида тўрт юз метрга брасс усулида сузиш бўйича учинчи ўринни эгаллаган.

— Шогирдим бугун ҳам талаба, ҳам устоз, — дейди мураббийи Ольга

Каратаева. — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг магистратура йўналишида ўқийди. Сергелидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига мураббийлик қилади. Ўргатганларимни бошқаларга ўргатади. Раҳмат, дейман Умидага...

Мураббийнинг гапида жон бор. Негаки, тенгдошимиз яқинда республика чемпионатида икки юз метрга чалқанча сузиш мусобақасида олтин ва бронза медалларни қўлга киритган Ҳожиакбар Абдужалилов, Диана Коновалова, Муштарийбону Аҳмадиева каби иқтидорли спортчиларни тарбияламоқда. Маҳалладошларига сузиш сирларини ўргатмоқда. Бундан ташқари, «Ўқув машғулотни гуруҳининг базавий босқичида куч тайёргарлигини аниқлаш» мавзуида илмий излашни олиб бормоқда. Одам танламайдиган диёрда — спорт оламида яшайпти, ижод қилаяпти. Асосийси, умр дафтарини мазмурли ишлар, ширин лаҳзаларга тўлдирмоқда.

Моҳира ҚОСИМОВА,
ЎЗМУ талабаси



Дунё бўйлаб пиёда

Австралиялик Том Деннис Ер кўрасидаги беш қитъани марафонча югуриш билан айланиб чиқди.

Ҳеч қандай техникадан фойдаланмаган Том бунга нақ 622 кун вақт сарфлади. У кунга қатъий тартиб асосида, яъни ўртача 42 километрдан ошиқроқ масофадан юрган. Саёҳати давомида интернет сайтларидан бир неча блогларига қайси шаҳарда бўлганини, нималарни учратганини батафсил ёзиб борган. Шунингдек, унинг салкам икки йиллик саёҳати ўз якунига етар экан, у дунё кўрингани каби катта эмаслиги, бир оз дам олгандан сўнг велосипедда саёҳатга қайта чиқиши мумкинлигини қайд этди.

Антиқа мусобақа

Буюк Британиянинг Дорсет шаҳрида ноанъанавий — саримсоқ ейиш мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда 26 нафар саримсоқхўр қатнашди. Танловда саримсоқ бўлақлари ажратилиб, иштирокчилар олдига қўйилди. Ўйин қоидаси бўйича улар беш дақиқа мобайнида иложи борича кўпроқ саримсоқ истеъмол қилишлари лозим эди. Мусобақада Оливер Фармер исмли иштирокчи қирқ тўққизта саримсоқ бўлақасини еб, мутлақ ғолиб бўлди. Мусобақа ташкилотчилари томонидан ғолибга 160 АҚШ доллари миқдориди пул мукофоти берилди. Иккинчи ўринга муносиб кўрилган Али Харви қирқ олти саримсоқ бўлақасини беш дақиқада истеъмол қилди. Али Харви мусобақадан кейин тадбир ташкилотчиларининг атайлаб энг аччиқ саримсоқларни танлаганини танқид қилди.

Япониядаги бўрон

Япония ҳукумати мамлакатнинг йигирмага яқин туманидан беш юз мингга яқин ўй бекалари ва болаларни яқинлашайтган тўфон сабабли эвакуация қилишга буйруқ берди.

Тўфонга «Маньи» номи берилган. Секундига қирқ метр тезлик билан эсган шамол шаҳарчаларни вайрон қилган. Сига, Фукуи ва Киотода энг юқори даражада фавқулодда вазият эълон қилинди. Аҳолига жиддий хавф солаётган бу тўфон ўзи билан ёмғирни ҳам олиб юрибди. Олти юзга яқин ички самолёт рейслари ҳамда поезд катновлари тўхтатилди. Мамлакат ғарбида эса саксон мингга яқин оила электр таъминотисиз қолди. Маълумотларга кўра, 138 киши жиддий жароҳатланган. «Маньи» айти пайтда соатида 55 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда.

Огоҳлик барчанинг вазифаси

Франция бош вазири мамлакатнинг вазир ўринбосарларига уяли телефонлардан хизмат вақтида фойдаланишни тақиқлади.

Бунга ўтган вақт мобайнида Францияда махфий маълумотларни алоқа тизимидан «тутиб олиш» учун бўлган бир неча «электрон ҳужумлар» сабаб бўлди. Хизмат доирасидаги ҳар қандай ахборот фақат Ахборот тизими миллий агентлиги сертификатига эга терминаллар, ҳужжатлар эса махфийлик муҳри ёки махсус аппарат ёрдамида юборилиши айтилди. Шунингдек, полиция ходимларига интернет-кафе, аэропорт, ресторан, меҳмонхоналарда телефон сўзлашувлари ёки электрон тармоқлар орқали узатиладиган маълумотларни назорат қилиш кераклиги эслатилди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРМАТОВ тайёрлади

«Регистон» ошхонаси сайёҳлар эътиборида



Дилноза Зайниева Самарқанд давлат университети 3-курс талабаси. У ўқишдан бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Дилноза Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони яқинида «Регистон» номли ошхона очди. Тез орада ушбу ошхона хорижий сайёҳларнинг эътиборига тушди.

Дилнозанинг ўз касбини пухта ўрганиш мақсадида кўшимча адабиётлардан фойдаланиши асносида Соҳибқирон Амир Темур давридаги миллий таомларга бўлган қизиқиши ортди. Айнақса, Амир Темур даврида тайёрланган «кўча оши»ни яхши ўзлаштириб олди. Уни янги ошхонада тайёрлаб, келган сайёҳларга улашди. Тенгдошимизнинг айтишича, Соҳибқирон бобомиз

бу овқатни ҳарбий юришларда аскарларига тортиқ қилган экан. «Кўча оши»нинг хусусияти шундаки, у буғдой ва ловиядан тайёрланиб, аскарларни жуда тўқ тутган ва уйқусини келтирмаган. Жанг давомида отда туриб бемалол ҳаракат қилиш имконини берган.

Бундан ташқари, «Регистон» ошхонасида қорахонийлар сулоласи даврида сарой амалдорла-

ри истеъмол қилган Қорахон таоми, Бухоро амири Олимхоннинг суйиб тановул қилган таомларини ҳам кўришингиз мумкин.

— Ошхонамизга жуда кўп сайёҳлар келади, — дейди ёш тадбиркор Дилноза Зайниева. — Ҳозир кузги сайёҳлар мавсумида Франция, Италия, Германия каби давлатлар билан шартномалар имзоладик. Келгусида таомлар менюсини янада рангбаранг қилмоқчиман.

«Регистон» ошхонасининг таомларини тановул қилган сайёҳлар, албатта, яна бир бор Самарқандга келишни орзу қилиши аниқ,

Рустам ҚОБИЛОВ

Yosh tadbirkorlar Sport

Таэквондо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Жасур Бойқўзиёв Россиянинг Челябинск шаҳрида ўтказилаётган «Russia Open» турнирида қумуш медални қўлга киритди.

Зафар қучишмоқда

Ҳамюртимиз мусобақада 87 килограммгача вазн тоифасида рақибини йирик ҳисобда мағлуб этди. Ҳозир жамоамиз ҳисобида бир олтин ва икки қумуш медал бор. Терма жамоамиз вакилларида, айниқса, Гўзал Норбобоева, Максим Рафалович ҳамда ўсмирлардан Руслан Шин юртимиз шарафини ишончли ҳимоя қилди. Эслатиб ўтамиз, мусобақанинг кучли олтиликкига кирган спортчилар Бразилияда ўтказилаётган жаҳон чемпионатида йўлланма олади.

Ғалабалар олдинда

Венгриянинг Будапешт шаҳрида бошланган катталар ўртасидаги кураш бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ўн икки спортчимиз ҳимоя қилмоқда.

Эркин курашда Нодир Сафаров (вазн тоифаси — 55 кг), Насибулло Қурбонов (60 кг), Руслан Плиев (66 кг), Рашид Қурбонов (74 кг), Заурбек Соҳиев (84 кг), Қурбон Қурбонов (120 кг) каби спортчиларимиз Александр Недорезов, Маъмуржон Рўзиев мураббийлигида гиламга чиқмоқда. Юнон-рум курашида эса Элмурод Тосмурад (60 кг), Нурбек Холмуҳаммадов (66 кг), Азизбек Муродов (74 кг), Рустам Аксакалов (84 кг), Суҳроб Фаттоев (96 кг) ва аёллар ўртасида Лилия Шакирова (59 кг) қатнашмоқда. Шунингдек, делегациямиз сафида бир қанча мураббийлар ва ҳакамлар ҳам мавжуд.

Жамоамизга ишонамиз

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов жамоадаги фаолиятини яна давом эттиради.

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматининг хабарига кўра, бош мураббийнинг истеъфога чиқиш талаби УФФ президенти томонидан қондирилмаган. Футболимиз раҳбарлари М.Қосимовга ишонишларини, терма жамоани шакллантириш ишини давом эттириши лозимлигини айтишган.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоамизнинг навбатдаги ўйини «Осиё кубоги — 2015» саралаш баҳслари доирасида 15 октябрь кунини Вьетнам термасига қарши бўлиб ўтади.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Кашфиётларнинг бари ҳам узоқ ва машаққатли изланишлар ҳосиласи бўлмаган. Қизиқ-да, бир нарсани кашф қиламан, деб ҳаракат қилсанг-у, бошқа нарсани ихтиро қилиб турсанг. Шунқасиям бўлган экан.
Эшитинг...

ЭРИГАН ШОКОЛАДГА РАҲМАТ!..

Уй бекаларининг севимли жиҳози — микротўлқинли печ тасодиф мевасидир. 120 дан ортиқ кашфиётлар муаллифи Перси Спенсер 1945 йилда радарлар сифатини ошириш устида иш олиб борган. Қарангки, иш пайтида олим тўлқин чиқарувчи мослама ёнидаги шоколад эриб кетаётганини кўриб қолади. Шундан сўнг у 400 килограмм оғирликдаги биринчи микротўлқинли печни яратди.

КАРДИОСТИМУЛЯТОР

Тана ҳароратини тиббий йўл билан ўзгартиришга киришган Жон Хоппс юқори частотали радиотўлқинлардан фойдаланган. У бу иши жараёнида совуқ туфайли тўхтаб қолган юрак электр импульс ёрдамида яна «ишга тушиб» кетишини сезиб қолган. Ихтиро асосида 1950 йилда биринчи кардиостимулятор (юракка сунъий импульс берувчи мослама) яратилди.

Феруза ЖЎРАЕВА тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Тубдан ақл бўлмаса,
Туртган ақл не қилсин.

Ўзбек халқ мақоли

					Манглай чизиги	Мангу, боқий		Шеърый вазн											
Тайёра-гоҳ	Бўйни узун хайвон	Автоинспектор асобоби	Ашаддий ишқибоз						Тролик қовун		Дорихона		Гул тури						
	Учинчи авлод, абира	Латвия пойтахти				Мушк...		Устма...			Жорж (фут.чи) «Либерия»		Шуур, идрок						
	Шоҳсимон қадаҳ			Номалум учар жисм (аббр)					Европа пул бирлиги										
	Бўйи паст, лилипут	Лавҳа, эпизод	Падар		Меров, ғалча				Иззат-эъзоз	Тинч, Атлантика, Хинд									
					«Кавказ...си» б/ф		Она, ая		Тўтиқуш тури		Бирлашган Араб Амирлиги (аббр.)	Бўм... (куп-курук)		Кўнгил, юрак					
	Инкор этиш	Шеърый, лирика	Тоғ (АҚШ)								Юнусов (актёр)								
		Пиллапоя					Орка (синоним)					«...нда йўқ, оламда йўқ»							
	Ойнасиз дераза			Саҳна асари, пьеса							Майса ранги								

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9172010699000

Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Назарова Майсара Тошевна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекс: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-943. Адади — 8391
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
ЎЗА якуни — 21.45

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6